

**Умумтаълим мактабларининг тарификация рўйхати ва
штат жадвалларини “ЎзАСБО” дастурий мажмуасига
киритиш ҳамда харажатлар сметаларини
автоматлаштирилган тарзда тузиш, келишиш ва
тасдиқлаш бўйича**

ЭСЛАТМА

Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг Тарификация рўйхати, штатлар жавдали ва улар асосида тузиладиган харажатлар сметасини автомат тарзда шаклланиши бўйича “ЎзАСБО” дастурий мажмуасида амалга оширилган ишлар:

1. “Титул варағи” модулида қўйидаги маълумотлар киритилади:

- а) мактаб тури;
- б) мактаб жойлашуви (шаҳар ёки қишлоқ,
- в) синф рақами (2А-синф);
- г) болалар сони ва шундан қизлар;
- д) шундан уйда ўқийдиган болалар сони;
- е) синф тили (ўзбек, тожик...);
- ж) ўқитишнинг неча сменада ташкил этилганлиги;
- з) синф қайси фанга ихтисослашганлиги.
(ВМ 173-сонли қарори асосида)

Титул варақ қабул қилиш, жамлаш:

“Титул варағи” ҳужжатини **халқ таълими бўлими** томонидан ташкилотлар кесимида шакллантириш ва **молия органига** билан келишиш модуллари тўлиқ ишга туширилган.

Титул варағи молия органлари билан келишилгандан сўнг қайта ўзгартириш (кўпайтириш ёки камайтириш) **киритиб бўлмаслиги бўйича назорат (контрол) ўрантилган**. Бу орқали синфларни сунъий кўпайтиришга чек қўйилди.

2. Ҳар йили Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган “ўқув фанлари ва ҳафталик соатлар” режаси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот ҳисоблаш маркази (ИВЦ) томонидан ЎзАСБО дастурий мажмуасига киритиб борилади.
(Асос халқ таълими вазирлиги хати)

Бунда мактабларинг соатлар ҳажми айнан шу ҳужжат асосида шаклланади.

Келгусида соатлар ҳажмини ўқитувчилар кесимида тақсимлаш жараёнида юзага келадиган хатоликлар тўлиқ бартараф этишга эришилади.

Ҳар бир синф кесимида соатлар сеткасини ЎзАСБО дастури орқали шакллантириш:

ушбу ҳужжатда синф танланганидан сўнг соатлар ва фанлар рўйхати автомат шаклланади;

фақатгина иккига бўлиб ўтиладиган фанларнинг соатини қўлда киритиш мумкин;

иккига бўлиб ўтиладиган фанлар қўлда киритилади бироқ ўқувчи сони, мактаб жойлашган ҳудуддан келиб чиқиб назорат (контрол) ўрнатилган.

сунъий равишда исталган фанни иккига бўлиб ўтиладиган қилиб қўйиш ва бўлиб ўтиладиган фанлар учун соатни сунъий кўпайтириш бўйича ҳам назорат (контрол) мавжуд.

мазкур ҳужжатда ўқувчиси кам бўлган (мало комплект) бошланғич синфлар бошқа бир синфга қўшиб юборилиши имконияти яратилди.(ВМ 140-сонли қарори асосида).

3. Ҳар бир ўқитувчига фанларни бириктириш

Бу ҳужжатда ўқитувчининг дипломи ва мутахассислиги, қайта таёрлов дипломи, тил сертификати ва уларни амал қилиш муддати, дарс берадиган фани, бириктирилган синфи ва барча устама ва ҳамда қўшимчалар ҳисобга олинади.

Ушбу модулдаги асосий чекловлар қуйдагилар:

а) дипломи бўйича мутахассислиги фанга тўғри келмаса ўқитувчига танлаган фанни бириктириб бўлмайди;

б) тегишли фан бўйича педагогик маълумотга эга бўлмаган (номутахассис) ўқитувчига қайта тайёрлов курсида ўқиганлиги тўғрисидаги ҳужжатни киритиш мажбурий этиб белгиланган;

в) ўқитувчининг малака тоифасини тасдиқловчи ҳужжат муддати ўтган бўлса, дастурда тегишли огоҳлантириш чиқади;

г) хорижий тил учун бериладиган устамалар фақатгина тил сертификати мавжуд бўлсагина берилиши мумкин; *(ПҚ-1875-сонли қарори асосида)*

д) ўқитувчининг тил сертификати муддати ўтиб кетган бўлса, дастурда тегишли огоҳлантириш чиқадиган қилинди;

е) барча устамалар фақатгина амалдаги қонунчиликда белгиланган фоиз миқдорлари доирасида кўрсатилиши лозим.

4. Тарификация модули

Барча ҳужжатлар тўлдириб ва тасдиқланганидан сўнг **Тарификация** модули шакллантирилади.

Тарификация фақатгина тўлдириш (заполнить) тугмаси орқали амалга оширилган ишнинг ҳосиласи бўлиб кўринади.

Бу ҳужжатни қўлда тўлдириш ёки тўғрилаш имконияти мавжуд эмас.

Тарификация шакллантирилгандан сўнг бирор бир ўқитувчининг **ойлик маошида хатолик аниқланганда**, аввалги қилинган барча ҳужжатларни қайтадан амалга ошириш лозим бўлади.

Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар:

1. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари марказлашган молия-бухгалтерия хизмати иқтисодчилари томонидан ташкилотлар кесимида Титул варақларда маълумотларни ЎзАСБО дастурига киритиш ишларини 25 декабрда яқунлаш.

2. Мактаб директори ўринбосари ва молия-бухгалтерия хизмати иқтисодчилари томонидан ҳар бир синф кесимида соатлар сеткасини қайтадан шакллантирилиб, ўқитувчига фанлар кесмида соатларни бириктириш ва тарификация жадвалларини **28 декабрга** қадар шакллантириш, тасдиқлаш ва туман (шаҳар) молия бўлимлари билан келишишни таъминлаш.

Бунда, 1 синфларда йўл ҳаракати фанини киритилганлигига бошқа синфларда она тили ва адабиёт фанларини алоҳида киритилганлигига алоҳида эътибор қаратиш

3. Туман (шаҳар) молия бўлимлари томонидан тарификация рўйхати ва штатлар жадвалларини **28 декабрга** қадар танлов асосида кўриб чиқиш ва келишишни таъминлаш.

4. Халқ таълими бўлими иқтисодчилари томонидан молия органлари билан келишилган Тарификация рўйхати ва штатлар жадваллари шакллантирилиб **28 декабрда** юқори турувчи Халқ таълими бошқармаларига юборишни таъминлаш.

5. Вилоят Халқ таълими бошқармалари, 29 декабрга қадар умумлаштирилган Тарификация рўйхати ва штатлар жадвалларини танлов асосида кўриб чиқиб келиш ва юқори турувчи Халқ таълими вазирлигига электрон юборишни таъминлаш.

6. Халқ таълими вазирлиги томонидан **29 декабрга** қадар умумлаштирилган тарификация рўйхати ва штатлар жадвалларини кўриб чиқиш ва бюджетнинг чегаравий миқдорларидан келиб чиқиб белгиланадиган “назорат фоиз”ни белгилаш учун Молия вазирлигига юбориш.

7. Ахборот ҳисоблаш маркази 29 декабрга қадар базавий сметани ижрога бериш ва унда “назорат фоиз”ни “ЎзАСБО”дастури орқали амалга ошириш имкониятини яратиш.

8. Халқ таълими ва Молия вазирликлари биргаликда 30 декабрга қадар умумлаштирилган сметаларни тасдиқлаш ва ДМБАТ дастурига ижро беришни таъминлаш.

**Мактабгача таълим ташкилотлари штатжадваллари ҳамда
харажатлар сметаларини автоматлаштирилган тарзда
тузиш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича**

ЭСЛАТМА

Мактабгача таълим ташкилотлари штатлар жадвали ва харажатлар сметасини шакллантириш жараёнини автоматлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар:

1. Мактабгача таълим ташкилотларида мавжуд лавозимлар рўйхати ЎзАСБО дастурига киритилган.

Мактабгача таълим муассасалари лавозимлар рўйхатида бўлмаган лавозимларни киритишнинг олди олинган.

2. Штатлар жадвалларига тегишли барча маълумотлар автомат тарзда шакллантирилади (лавозим коди, лавозим классификатори, танланган разрядга мувофиқ равишда лавозим суммаси)

3. Дастурга киритилган штатлар жадвалида шаклланган сўмма жами харажатлар сметасига автоматлаштирилган тарзда ўтиши таъминланган.

4. Ҳар бир боғча кесимида киритилган штатлар жадвалини Мактабгача таълим бўлимида жамлаш ва кўриш имконияти яратилди.

Қилиниши лозим бўлган ишлар:

1. **Мактабгача таълим бўлимлари молия-бухгалтерия хизмати иқтисодчилари** томонидан ЎзАСБО дастурига ҳар бир ташкилот кесимида штатлар жадвали лавозимларини киритишни **26 декабрда** якунлаш

2. **Мактабгача таълим бўлимлари молия-бухгалтерия хизмати иқтисодчилари** киритилган штатлар жадвалини тасдиқлаш учун жўнатиб, молия органлари билан келишишни **27 декабрда** якунлаш

3. Вилоят Мактабгача таълими ва молия бош бошқармалари, 28 декабрда умумлаштирилган штатлар жадвалларини кўриб чиқиб келишни таъминлаш.

4. Мактабгача таълим вазирлиги 28 декабрга қадар умумлаштирилган штатлар жадвалларини кўриб чиқишлари лозим.

5. Молия вазирлиги 29 декабрда умумлаштирилган штатлар жадвалларини маълумотидан келиб чиқиб, сметаларга киритиладиган фоизни белгилаш.

6. Ахборот ҳисоблаш маркази 29 декабрда сметаларга киритиладиган фоизни дастурий таъминотга киритиш.

7. Мактабгача таълими ва Молия вазирликлари томонидан **29 декабрда** умумлаштирилган сметаларни тасдиқлаш ва ДМБАТ дастурига ижро учун киритилишини таъминлаш.